

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2023 йил январь ойининг 27 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси ўз биносида, видеоконференцалоқа режимида очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: В.Сиддиқов,

хайъат судьялари: А.Акрамов ва Д.Халиқназаровадан иборат таркибда, Ш.Дехқоновнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ғ.Рўзиев, ҳимоячи И.Шамсиддинов, судланган Р.А., жабрланувчининг қонуний вакили Н.Мелиқўзиевнинг иштирокида, Р.А.га оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2022 йил 10 октябрдаги ҳукмига кўра:

А.Р.Р., 1994 йил 1 июлда Данғара туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта-маҳсус, Фарғона вилоят ИИБ 2-минтақавий ҳудуд ППХ 2-батальон 2-отрядда ҳайдовчи бўлган, [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] ” МФЙ, “ [REDACTED] ” қишлоғи, “ [REDACTED] ” кўчаси, [REDACTED] уйда яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан 1 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 2 йил синов муддати белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.А. 2022 йил 12 февраль куни соат 21³⁰ да таниши Н.Ашуровга тегишли “Nexia-1” русумли 40 О 755 ҒА давлат белгили автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз Данғара тумани, Тайпоқ қишлоғи томонга бошқариб, амалдаги “Йўл ҳаракат қоидалари”нинг 77-бандида кўрсатилган талабларга амал қилмасдан, Данғара тумани, “Қорамулла” МФЙ, Овул қишлоғи ҳудудидан ўтган “Кўкон-Мулқобод-Гулбоғ-Пунгон” йўналишидаги 4Р 150-сонли асфальт йўлининг 14-километрга келганида, бошқарувни йўқотиб, ўзига қарама-қарши



йўналишда ҳаракатланиб, келаётган А.Ахмедовнинг бошқарувидаги “Камаз” русумли 40 924 LBA давлат белгили юк автотранспорт воситасини йўналишига ўтиб кетиб, бошқарувидаги автомашинанинг олди чап қисми билан мазкур юк транспортининг олди чап қисмига урилиб, йўл транспорт ходисасини содир қилгани натижасида йўловчи ҳамкасби Б.Мелиқўзиев оғир тан жароҳати олиб, вафот этишига сабабчи бўлганликда абдор деб топилган.

Судланган Р.А. ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятда, дастлабки тергов ва суд томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмасдан, унинг айбини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмагани ҳолда, асосиз айблов ҳукми чиқарилгани ҳақида важлар келтириб, оклов ҳукми чиқаришни сўраган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Н.Мелиқўзиев ўз эътирозномасида, шикоятга нисбатан эътироз билдириб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси Д.Халикназарованинг маърузасини, прокурор Ғ.Рўзиев, жабрланувчининг қонуний вакили Н.Мелиқўзиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи И.Шамсиддинов ва судланган Р.А.нинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоят важларини жиноят иши ҳужжатлари асосида таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Р.А.нинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига ҳуқуқий баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг юқорида қайд этилган транспорт воситаси ҳаракати ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятни содир этганлиги: жабрланувчининг қонуний вакили Н.Мелиқўзиев, гувоҳлар А.Ахмедов, Ж.Туробжонов, Й.Ахмедов, М.Алимов, С.Тойлақов ва М.Хасановнинг суддаги кўрсатувлари, ходиса жойини кўздан кечириш, транспорт воситасини кўздан кечириш, ходиса жойини кўшимча кўздан кечириш, нарсани кўздан кечириш, шахсни таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари, суд-тиббий, суд-кимёвий, суд-биологик, суд-транспорт изшунослик, суд-автотехника экспертизасининг хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, унинг транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиб, йўл транспорт ходисаси содир этгани натижасида фуқаро Б.Мелиқўзиевнинг ўлимига сабабчи бўлган ҳаракати ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Гарчанд, Р.А. шикоятда ҳамда апелляция инстанциясида, ўзига нисбатан эълон қилинган айбловни инкор этиб, йўл-транспорт ходисаси келиб чиқишига сабабчи бўлмагани, чунки автоҳалокат содир бўлган вақтда “Nexia-1” русумли 40 О 755 ҒА давлат белгили автотранспорт воситасини Б.Мелиқўзиев бошқаргани ҳақида важлар келтирса-да, апелляция



инстанцияси ушбу важларни муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра улар билан келишмади.

Апелляция инстанцияси судида, судланган Р.А.нинг автоҳалокат содир бўлган вақтда автомашина бошқарувида у эмас, балки Б.Мелиқўзиев бўлганлиги ҳақидаги важларини текшириш ҳамда айбдорликка оид шубҳаларни бартараф этиш мақсадида, сўроқ қилинган:

-гувоҳ А.Ахмедов ўз кўрсатувида, ҳозирги кунда “Шўрсув тараккиёт бизнес” МЧЖга тегишли бўлган “Камаз” русумли 40 924 LBA давлат белгили автомашинани бошқариб, ҳайдовчилик қилиши, 2022 йил 12 февраль куни икки нафар ёлланма ишчилар М.Алимов ва С.Тойлақовлар билан бирга Намаган вилоятининг Хонобод қишлоғига гипс маҳсулотларини олиб боришгани, қайтишда Данғара туманидан ўтган йўл билан юриб, соат 21⁰⁰дан ўтганда, Овул қишлоғига кириб, қишлоқни тугаш қисмига етган вақтларида, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган “Nexia” автомашинаси бирдан ўзини йўналишидан у ҳаракатланиб келаётган йўналишга чиқиб, яна ўзини йўлига, сўнг яна уни йўлига ва яна ўзини йўлига қайтиб ўтиб ҳаракатлангани ва масофа қисқа бўлганлиги сабабли унинг бошқарувидаги “Камаз” автомашинасининг чап томонига урилгани, “Nexia” русумли автомашинада ўзи аввалдан танимаган икки нафар ИИБ хизмат формасидаги ходимлар бўлгани, автомашинадан тушаётганида жароҳат олган ИИБ ходимларига ёрдам бериш учун биринчи бўлиб ҳалокатга учраган “Nexia” автомашинасининг орқасидан келаётган оқ рангли “Nexia-2” русумли автомашина ҳайдовчиси келгани, “Nexia-2”даги йигит билан биргаликда ИИБ ходимларини автомашинадан чиқаришга ҳаракат қилишгани, дастлаб ҳайдовчи ёнида бўлган “семизроқ” шахсни чиқариб олишга ҳаракат қилишгани, уни орқа ўриндиққа олиб, орқа эшикдан чиқариб олишганидан кейин “Nexia-2” автомашинасига юклаб шифохонага жўнатмоқчи бўлишгани, лекин автомашина ўтамагани сабабли йўловчи “Lacetti” автомашинасида шифохонага юборишгани, кейин ҳайдовчи ўрнида ўтирган “озғинроқ” ички ишлар ходимини чиқаришга уринишгани, бироқ автомашина ҳайдовчи томон эшигини стойкаси букилиб, мотори, торпеда ва рул чамбараги ҳайдовчи ўриндиғига келиб, унинг оёғи қисилиб қолгани сабабли дастлаб “озғин” ИИБ ходимини чиқара олишмагани, кейин эшикни букиб, эшик стойкасини кўтариб, букиб ташлаб, ҳайдовчининг камаридан тортишгани ва ҳайдовчи томондан “озғин” ИИБ ходимини тортиб чиқариб олишгани, унинг бир оёғи қисилиб қолгани учун тортишганида оёқ кийимсиз чиққани, оёқ кийими автомашинада қолгани, “озғинроқ” ИИБ ходимини “Matiz” русумли йўловчи автомашинада касалхонага жўнатишгани, улар автомашинадан тушириб олган икки нафар ИИБ ходимларидан озғинроғининг юзи жароҳатланган бўлгани ҳақида;

-гувоҳ Ф.Хасанов апелляция инстанциясида, 2022 йил 12 февраль куни соат 21ларда яшаш хонадони, яъни Данғара тумани, “Қора мулла” МФЙ, Овул қишлоғи, Қўшчинор кўчаси, 1-уйда бўлган вақтида ташқаридан автомашиналарнинг тўкнашган овози эшитилиб, нима бўлганини кўриш учун кўчага чиққани, шунда уйининг тўғрисида “Камаз” русумли юк автомашинаси



ва оқ рангли “Nexia-1” русумли автомашиналар тўқнашганини кўргани, шунда хаяжонланиб шок ҳолатига тушгани сабабли енгил автомашинадаги жароҳат олган фуқаролар қандай ҳолатда ётганига эътибор бермагани, ташқарига юпқа кийимда шошилиб чиққани сабабли уйга қайтиб кириб, қалинроқ кийим кийиб қайтиб чиққани, у уйга кириб чиққунига қадар “Nexia-1” русумли автомашинанинг ҳайдовчи ўриндиғида бўлган шахсни машинадан тушириб бўлишгани, қайси эшикдан чиқаришганини эслай олмаслиги, у ҳайдовчини ёнидаги “семизроқ” қисилиб қолган шахсни машинадан туширишга ёрдамлашгани, автомашинани қайси тарафи кўпроқ талофат кўрганини ҳам эслай олмаслиги, жароҳат олган ИИБ ходимлари хизмат формасида бўлишгани, ҳар иккаласининг юзи қон бўлгани, биринчи тушириб олинган ИИБ ходими “Lacetti” автомашинасида шифохонага юборилгани, оёғи қисилган ИИБ ходими “Matiz” русумли йўловчи автомашинада касалхонага жўнатилгани, уни чиқариб олиш учун уйдан лом олиб чиққани ҳақида кўрсатувлар беришган бўлиб;

ушбу кўрсатувлар гувоҳ Ж.Туробжоновнинг биринчи инстанция судида, 2022 йил 12 февраль куни соат 21³⁰да ўртоғи Й.Ахмедов билан бирга ўзининг номидаги “Lacetti” русумли 40 Т 901 JA давлат белгили автомашинада уйга қайтаётган вақтида, Овул қишлоғидаги мактабдан Колхоз томонга ўтганда йўлда оқ рангли, “Nexia-1” русумли автомашина “Камаз” билан тўқнашиб кетганини кўришгани ва автомашинани йўл четига тўхтатиб, Й.Ахмедов билан у ердаги одамларга ёрдам бериш мақсадида тўқнашув бўлган жойга боришгани, бу вақтда ўша ерда тўпланган одамлар тўқнашиб кетган “Nexia”да бўлган шахсларни тушираётган бўлгани, одамлар тўқнашган автомашина ҳайдовчисини гавдасини ташқарига чиқаришгани, лекин уни оёқлари қисилиб тургани, шу вақтда кимдир эшик темирини тортиш кераклигини айтганидан сўнг ҳамма ҳайдовчи томонга ўтиб, эшик темирига ёпишгани, улар томонга бораётган вақтида одамлар ичидан кимдир “Тайпоқдан Бобур ака экан”-деб, яна кимдир “Тирик экан, касалхонага олиб бориш керак”-деб айтганини эшитиб, ўртоғи Й.Ахмедовга машинани олиб келишини, касалхонага боришларини айтгани, сўнг нотаниш 2-3 нафар одамлар, ҳайдовчининг ён томонидан, яъни машинани ўнг томонидан бир ИИБ формасида бўлган ходимни уни машинасига юклашгани, қолган одамлар ҳайдовчи томонда бўлишгани, сўнг ўша бир нафар нотаниш шахс билан дарҳол ИИБ ходимини туман шифохонасига олиб боришгани, у ерда тиббиёт ходимлари ИИБ ходимини юзини кўриб, Б.Мелиқўзиев эканини таниб қолишгани, уни юзида қон ва жароҳатлар бўлмагани, кейин Б.Мелиқўзиевни акаси Н.Мелиқўзиевга хабар берилгани, улар етиб келишганидан сўнг орадан 10-15 дақиқа вақт ўтиб, ҳайдовчини ҳам бир “Matiz” русумли автомашинада шифохонага олиб келишгани, уни машинадан туширишда ёрдам бергани, уни юз қисми ияк соҳалари ёрилиб қонаб кетган ҳолатда бўлгани ҳақидаги;

гувоҳ Й.Ахмедовнинг биринчи инстанция судида, 2022 йил 12 февраль куни соат 21³⁰гача ўтириб ўртоғи Ж.Туробжоновни машинасида йўлда келаётганларида Овул қишлоғида “Nexia-1” русумли автомашина “Камаз” билан тўқнашиб кетганини кўриб, у ерда одамлар тургани учун ёрдам бериш



учун тўхтаганлари, “Nexia”ни олдига борган вақтида ҳайдовчи ўриндиғидан бир ИИБ ходимини туширишга ҳаракат қилишиб, уни кўтариб тортишаётгани, у қисилиб қолгани учун шу ердаги одамлар уни тушира олмаётганлари, ёнида яна бир ИИБ ходими орқа ўриндиқ томонга эгилиб олган ҳолатда турганини кўргани, одамдар ҳайдовчини ёнидаги ИИБ ходимини тушириш учун олд эшикни тортишгани, тепа қисмини букишганда ҳам эшик очилмагани, кейин орқа ўнг эшикни очиб, унга нотаниш иккита одам ҳайдовчини ёнидаги йўловчи ўриндиғида бўлган ИИБ ходимини орқадан туширмоқчи бўлишиб, уни тортиб эшиккача олиб келишгани, кейин улардан бири ёрдам сўрагани, уларга ёрдам бериб, ИИБ ходимини тортиб чиқаришгани, уни асфальтга ётқизиб, сўнг машинани олиб келиб уни машинага солиб касалхонага олиб борганлари, бу одамни Тайпоқ қишлоғида яшовчи таниши Б.Мелиқўзиев эканлигини кўриб танигани, Данғара тумани Марказий шифохонасига олиб боришганидан сўнг орадан 10-15 дақиқа вақт ўтиб, ҳайдовчини ҳам бир “Matiz” русумли автомашинада шифохонага олиб келишгани, кейинчалик бу ИИБ ходими Қора кўрпа қишлоғида яшовчи Р.А. эканини билгани, бир оздан сўнг Б.Мелиқўзиевни оила аъзолари етиб келишгани ҳақидаги;

гувоҳ М.Алимовнинг биринчи инстанция судида, 2022 йил 12 февраль куни Намаганга юк тушириш учун боргани, тушириб бўлиб, яна юк автомашинаси ҳайдовчиси А.Ахмедов билан бирга уни “Камаз” русумли автомашинасида, Данғара тумани Овул қишлоғига етиб келганларида, қарама-қарши йўналишдан “Nexia” русумли автомашина йўлларида чиқиб, илон изи бўлиб юриб, нимадир бўлиб келиб, “Камаз”га урилгани, тўкнашув бўлгандан кейин автомашинадан тушиш учун ёнида ўтирган С.Тойлоқовга эшикни очишини айтгани, пастга тушганларида С.Тойлоқовни мазаси бўлмаганлиги учун уни маҳаллани ичига олиб кириб қўйгани, ўзи ҳам кўрқиб кетгани учун ҳаяжонда бўлгани, бундай ҳолатга олдин гувоҳ бўлмагани, шунинг учун қолганларга ёрдам беролмагани, йўл транспорт ҳодисаси тунги вақтда содир бўлгани, “Камаз” автомашинасида у, С.Тойлақов ва ҳайдовчи ўрнида А.Ахмедов бўлгани ҳақидаги;

гувоҳ С.Тойлақовнинг ҳам шу мазмундаги кўрсатувлари шунингдек, иш материалларида мавжуд ҳодиса жойини, автомашинани кўздан кечириш, шахсни таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари ва уларга илова қилинган фотосуратлар билан тўлиқ тасдиқланиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келгани сабабли судлов ҳайъати томонидан ишончга сазовор деб баҳоланди.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати гувоҳ Х.Махаммаджоновнинг апелляция инстанциясида берган, 2022 йил 12 февраль куни соат 21ларда ишдан қайтаётганида йўлда таниши Р.А. ва Б.Мелиқўзиев турганлигини кўриб тўхтагани, автомашинадан тушиб улар билан саломлашгани, уларнинг иккаласи ҳам Б.Мелиқўзиевнинг автомашинаси юрмаётгани ҳақида айтгани сабабли унинг “Nexia-2” русумли автомашинасини текшириб кўргани, автомашина “перлават” бўлиб қолгани сабабли юрмагани, Р.А. ундан Б.Мелиқўзиевни яшаш хонадонига ташлаб келиши учун ўзини автомашинасини бериб туришини сўраганида, Р.А.га автомашинасини бергани, Р.А. шериғи Б.Мелиқўзиев билан унинг автомашинасида



Кияликўрғонча томонга қараб кетишгани, бироқ бошқарувда ким бўлганини кўрмагани, кейин “Nexia-2” русумли автомашинани юргизишга ҳаракат қилиб қовлаётганида, автомашина юриб кетгани, автомашинани бошқариб, орқаларидан юргани, чунки уларга етиб олиб автомашинасини бериб, ўзини “Nexia-1” русумли 40 О 755 FA давлат белгили автотранспорт воситасини қайтариб олмоқчи бўлгани, “Бўриқум” бурилишидан ўтганида, ораларида тахминан 1 км.дан ортиқроқ масофада уларни кўргани, улар Овул қишлоғининг кираверишига етиб борганида уларнинг қарама-қарши томонидан “Камаз” русумли автомашина келаётганини кўргани, шунда “Nexia-1” автомашинаси чапга, ўнгга бурилиб, лапанглаб ҳаракатланиб бориб, ҳайдовчи эшиги бир марта очилгани, нимадир содир бўлиб, ўзига тегишли “Nexia-1” автомашинаси бориб “Камаз” юк автомашинасига урилгани, тўкнашув содир бўлганида “Nexia-1” автомашинаси билан у бошқариб турган “Nexia-2” русумли автомашинани ўртасидаги масофа 30 – 40 метр атрофида бўлгани, тўкнашув жойига етиб келиб, тўхтаб, автомашинани ёнига борганида ичида Б.Мелиқўзиев ва Р.А.лар устма-кетин ҳолатда ётгани, қайси бири кимни устидалигини, қандай ҳолатда бўлганлигини эслай олмаслиги, уларни автомашиндан чиқариб олиш учун биринчи Р.А.ни тортганида унинг оёғи қисилиб қолгани сабабли чиқмагани, Б.Мелиқўзиев қисилиб қолмагани сабабли уни тортганида чиққани, биринчи бўлиб, автомашинанинг ўнг орқа эшигидан Б.Мелиқўзиевни тушириб олишиб, асфальтга ётқизиб қўйишгани, Б.Мелиқўзиевни автомашинадан туширишга унга “Камаз” автомашинаси ҳайдовчиси кўмаклашгани, кейин ҳайдовчи эшигидан Р.А.ни туширишгани, Р.А.нинг чап оёғи қисилган ҳолда бўлгани, уни чиқариб олишда оёқ кийими қисилиб автомашинда қолгани, Б.Мелиқўзиев тўлиқ автомашинанинг ҳайдовчи ўриндиғида бўлгани, Р.А.нинг чап оёғи ҳайдовчи томонда, ўнг оёғи ҳайдовчи ёнидаги ўриндиқ томонда бўлгани, Б.Мелиқўзиевни “Lacetti” русумли автомашинага юклаб, Р.А.ни “Matiz” русумли автомашинага юклаб, шифохонага юборишгани, улардан Б.Мелиқўзиев “семизроқ”, Р.А. “озғинроқ” бўлгани ҳақидаги кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, мазкур кўрсатувлар унинг ўзининг

-дастлабки терговдаги тушунтириш хатида, 2022 йил 12 февраль куни кўшниси Рауф ака унга тегишли бўлган “Nexia-1” русумли 40 О 755 FA давлат белгили автомашинасини бериб туришини сўрагани ва унга автомашинасини бергани, сўнг соат тахминан 21ларда машинани Р.А.нинг касбдоши миниб олгани, Р.А. машинанинг ҳайдовчининг ёнида, у орқада ўтиргани, сўнг Данғара тумани, Овул қишлоғига етиб борганиларида уларга қарама-қарши томондан “Камаз” машинаси келаётганини кўргани, уларнинг тезлиги соатига 60 км/с бўлгани, сўнг Б.Мелиқўзиев “Камаз”дан олиб қочаман деб, “Камаз”га урилгани, у ёғини эслай олмаслиги ҳақида;

-терговда берган кўрсатувида, “Nexia”нинг ҳайдовчи томони пачакланган ҳолатда бўлгани учун ундан ҳеч кимни чиқара олмагани, ҳайдовчининг ёнидан биринчи Бобурни тортиб, автомашинанинг орқа ўриндиғига олгани, кейин Рауфни чиқариб олишга ҳаракат қилгани, кейин кимдир келиб, уни тортиб олишига унга ёрдам бергани, лекин Рауфни тортиб



ололмагани, аввал Бобурни автомашинадан чиқариб, йўлдаги ҳайдовчилардан биттасини тўхтатиб, Бобурни шифохонага жўнатиб юборишгани, кейин Рауфни уч-тўрт киши билан ҳайдовчи томондан чиқариб олишгани, уни ҳам ўша йўлдан ўтаётган “Matiz” русумли автомашинани тўхтатиб, шифохонага олиб бориш учун бериб юборишгани ҳақида;

-биринчи босқич судида, воқеа куни соат 21ларда “Саттор” акани балиқхонасининг олдида Р.А. ва Б.Мелиқўзиевлар билан кўришгани, улар билан бироз гаплашиб турганлари, Р.А. унга Б.Мелиқўзиевга тегиши бўлган “Nexia-2” русумли “757” давлат рақам белгили автомашинаси юрмаётганини айтиб, ундан ўзини машинасини бериб туришини сўрагани, уларни машинасини кўриб бериш учун машиналарига чиқиб ўтириб, ўт олдирмоқчи бўлганида, Р.А. шериги Б.Мелиқўзиевни ўзига тегишли бўлган “Nexia-1” русумли 40 О 755 ҒА давлат белгили автомашинасига ҳайдовчини ўнг томонидаги йўловчи ўриндиғига ўтиргизиб, орқаларидан етиб олишини айтиб, автомашинани бошқариб Қияликўрғонча томонга қараб кетгани, ... тўқнашув жойига етиб келиб, нима қилишни билмай қолгани, “Nexia”ни ҳайдовчи томони пачақланган ҳолатда бўлганлиги учун ундан ҳеч кимни чиқара олмагани, машинадан биринчи Б.Мелиқўзиевни ҳайдовчини ёнидан, автомашинанинг орқа ўриндиғига олганлари, кейин Р.А.ни чиқариб олишга ҳаракат қилишгани, уни оёқлари ҳайдовчи томонда қисилиб қолгани ҳақидаги кўрсатувлари билан тўлиқ инкор этилиб, бундан ташқари ҳар тўрттала ҳолатда тўрт хил кўрсатув берилганини инобатга олиб, гувоҳ Х.Махаммаджоновнинг кўрсатувларини танқидий баҳолаб, уларни далиллар қаторидан чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасида, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланиши белгиланган бўлиб, гувоҳ Х.Махаммаджоновнинг юқоридаги кўрсатувлари апелляция инстанциясида иш материалларида тўпланган ёзма далиллар, яъни воқеа жойини, автомашинани кўздан кечириш, шахсни таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари ва уларга илова қилинган фотожадваллар, шунингдек апелляция инстанцияси ҳамда биринчи босқич судида сўралган гувоҳлар А.Ахмедов, Ф.Хасанов, Ж.Туробжонов, Й.Ахмедов, М.Алимов ва С.Тойлақовларнинг юқоридаги кўрсатувлари билан тўлиқ инкор этилиб, ишончга сазовор эмас деб топди.

Шунингдек, судлов ҳайъати судланган Р.А.нинг химоячи И.Шамсиддинов билан биргаликда апелляция инстанциясида билдирган, суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 4 апрелдаги 6-сонли қўшимча хулосасининг илмий асосланганлиги юзасидан комиссиян экспертиза тайинлаш ҳақидаги важлари билан келишмади.

Апелляция инстанциясида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган М.Хасанов, 1-тоифали давлат эксперти лавозимида ишлаши, Ўзбекистон туман прокуратураси терговчиси О.Рахматуллаевнинг қарорига асосан Р.А.ни экспертизадан ўтказиб, 2022 йил 4 апрель кунги 6-сонли қўшимча хулоса бергани, экспертизани қарорда кўрсатилган воқеа ҳолатларига, терговчи томонидан тақдим қилинган иш материалларидаги воқеа жойини кўздан



кечириш, автомашинани кўздан кечириш баённомалари ҳамда марҳум Б.Мелиқўзиевга ўтказилган экспертиза хулосасига, шунингдек, автомашина ва фуқароларни жароҳатларини солиштирган ҳолда ўтказиб, фуқаро Р.А.даги тан жароҳатлари унинг танасининг асосан чап томони, яъни чап ён юзаси ва олд юзаси чап томонида жойлашганлигини аниқлаб, Р.А.даги жароҳатларининг чап томонда жойлашгани жароҳат олиш вақтида ундаги жароҳатларини юзага келишига сабаб бўлган ташқи куч ёки таъсир йўналиши унга нисбатан танасининг олд-чап ва чап ён томонлардан бўлган бўлиши мумкинлиги, Р.А. тан жароҳатларини олиш вақтида бўлган автомашинани ҳам олд-чап ва чап ён юзаси қолган соҳаларига қараганда ташқи таъсирдан кўпроқ зарарлангани, бу ҳолатда автомашинани салонда бўлган фуқаролардан айнан олд-чап томон ўриндиқда бўлган ҳайдовчи танасини чап оёқ ва танасини чап ён юзаларида унинг бошқа соҳаларига нисбатан кўпроқ жароҳатлар юзага келган бўлиши мумкинлиги, марҳум Б.Мелиқўзиев танасини олд чап ён ва орқа соҳаларида фуқаро Р.А.га нисбатан камроқ тан жароҳатлари аниқлангани, Б.Мелиқўзиевнинг олд чап ён ва орқа соҳаларида фуқаро Р.А.га нисбатан камроқ тан жароҳатлари аниқлангани сабабли Б.Мелиқўзиев тан жароҳатларини олиш вақтида ҳайдовчи ўрнида бўлмаган деган хулосага келгани, фуқаро Р.А.нинг танасида аниқланган чап томонида тери ости эмфиземасини мавжудлиги ҳамда чап сон суяги очик майдаланиб синиб силжишига асосланиб, Р.А. автомашинани бошқарувида бўлган дейиш мумкинлиги ҳақида хулоса бергани, хулосани ўзининг тахминларига кўра бермагани, хулоса илмий асосларга кўра берилгани, ушбу хулосага келишига Р.А. ва Б.Мелиқўзиевда аниқланган жароҳатларнинг хусусияти ва жойлашган ўрни сабаб бўлгани, Б.Мелиқўзиевни экспертизадан ўтказмаган бўлса-да, унга нисбатан берилган экспертиза хулосаси билан танишиб чиққанлигини баён қилди.

Суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 23 февралдаги 837-сонли хулосасида, Р.А.да қўшалок шикастланиш, бош мия калла ёпиқ шикасти, бош мия моддасини лат ейиши оғир даражаси, кўкрак қафаси аъзолари ёпиқ жароҳати, кўкрак қафаси чап томондан 3-4-5-қовурғаларни ёпиқ синиши, кўкрак қафаси чап томонлама гемопневмоторакс ва чап томонлама тери ости эмфиземаси билан юқори ва пастки жағ суяқларини, чап елка ва чап курак суяқларини ёпиқ синиб силжиши, чап сон суягини очик майдаланиб синиб силжиши каби тан жароҳатлари олганлиги, бу жароҳатлар хаёт учун хавфли бўлган оғир жароҳатлар сирасига кириб, жароҳатларнинг жойлашган ўрни ва уларнинг хусусиятларига кўра йўл улов ходисаси вақтида у вертикал тик ва шунга яқин бўлган ҳолатда бўлган бўлиши, бирламчи зарба эса чап томондан етказилган бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 187-моддасида, эксперт хулосаси терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуктаи назаридан баҳоланиши,



экспертнинг хулосаси суриштирувчи, терговчи ёки суд учун муқаррар далилий кучга эмаслиги белгиланган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 4 апрелдаги 6-сонли қўшимча хулосасида эса, Р.А.нинг танасида аниқланган чап томонида тери эмфиземиясини мавжудлиги, чап сон суяги очик майдаланиб синиб силжиши каби жароҳатлар уни рул бошқарувида бўлганидан далолат бериши кўрсатилган бўлиб, мазкур хулосани илмий асосланганлиги ҳамда экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳолаш суриштирув, тергов органининг мансабдор шахси ҳамда судга юклатилган.

Иш материалларида ҳамда ўтказилган суд мажлислари давомида, суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 4 апрелдаги 6-сонли қўшимча хулосасини тузишда ва экспертизани ўтказишда ЖПК нормалари бузилганини тасдиқловчи бирон-бир далил аниқланмади.

Ҳимоячи И.Шамсиддинов томонидан тақдим этилган, 2022 йил 23 декабрдаги 01-04/1157-сонли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази давлат суд эксперти А.Икрамов томонидан адвокатлик сўровига асосан берилган 11-сонли мутахассис фикрида, фуқаро Р.А.га етказилган тан жароҳати факти юзасидан ўтказилган қўшимча экспертиза хулосасида аниқланган қатор камчиликлар ушбу хулосани илмий асослантирилганлигини шубҳа остига қўйиши белгиланган бўлса-да, суд мазкур қўшимча экспертиза хулосасини илмий асосланганлиги нуқтаи назаридан баҳолашда иш материалларида мавжуд:

-суд-биологик экспертизасининг 2022 йил 11 мартдаги, ашёвий далил сифатида давлат рақами 40O755FA бўлган “Nexia-1” русумли автотранспорт воситасининг хайдовчи ўриндиғи остидан олинган бир жуфт эркалар оёқ кийими-этигида инсон тер доғлари мавжудлиги, улар Р.А. томонидан қолдирилганлиги ҳақидаги;

- суд-биологик экспертизасининг 2022 йил 14 апрелдаги, автомашинани кўздан кечиришда салон қисми, орқа ўриндиғидан қирқиб олинган чехол парчасидаги қон марҳум Б.Мелиқўзиев томонидан қолдирилганлиги ҳақидаги;

- суд-биологик экспертизасининг 2022 йил 18 апрелдаги, автомашинани кўздан кечиришда олинган салон қисми, хайдовчи ўнг томонидаги йўловчи ўриндиғи устидаги шиша парчасида қолган тола инсон соч толаси бўлиб, марҳум Б.Мелиқўзиевга тегишли бўлганлиги ҳақидаги хулосалари;

-дастлабки тергов давомида ўтказилган таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати давомида гувоҳ Ж.Туробжоновга йўл транспорт ҳодисаси вақтида автомашинанинг орқа ўнг эшигидан тушириб олган шахсни таниб олиш учун кўрсатилганида, у 1-рақамдаги шахс, яъни Б.Мелиқўзиевни кўрсатиб, айнан уни автомашинанинг орқа ўнг эшигидан тушириб олиб, шифохонага олиб борганини баён қилгани ҳақидаги баённома;

-худди шу каби, гувоҳ Й.Ахмедов ҳам таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати давомида, 2-рақамдаги шахс, яъни Б.Мелиқўзиевни кўрсатиб, айнан у автоҳалокатдан сўнг Жасурбек исмли ўртоғи билан бирга “Nexia-1” русумли



автомашинадан туширишда ёрдамлашишгани билдириб ўтгани ҳақидаги баённома;

шунингдек юқорида қайд этилган гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертиза хулосалари билан суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 4 апрелдаги 6-сонли қўшимча хулосасида қайд этилган ҳолатлар илмий асосланганлигини шубҳа остига олишга монелик қилиши ҳақида хулоса қилади.

Суд тергови давомида синчковлик билан текширилган холис далилларнинг мажмуи билан йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган вақтда “Nexia-1” русумли 40 O 755 FA давлат белгили автомашина бошқарувида Р.А. бўлгани ўз исботини топди.

Шу сабабли судлов ҳайъати, судланган Р.А.нинг автомашинани Б.Мелиқўзиев бошқаргани ҳақидаги кўрсатувларини ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмайдиган, объектив далиллар билан тасдиқланмаган, жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирилган, ишончга сазовор бўлмаган кўрсатувлар сифатида танқидий баҳолашни лозим топди.

Шу тариқа жиноят ишини апелляция инстанцияси судида муҳокама қилиш давомида Р.А.нинг ўз айбини инкор қилувчи кўрсатувлари ва шикоятдаги важлари ўз тасдиғини топмади, унинг айбини тасдиқловчи далилларни эса рад қилувчи ёки шубҳа остига олувчи бошқа далиллар аниқланмагани сабабли апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳукмини қонуний ва асосли деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди Р.А.га нисбатан жазо тайинлашда, ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги ва 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорлари тушунтиришларига риоя қилиб, гарчанд мазкур жиноий ҳаракат оғир оқибат, яъни шахснинг ўлимига олиб келган бўлса-да, содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кириши, унинг шахси, оилавий шароити, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, муқаддам судланмагани, яшаш жойидан ва иш жойидан ижобий тавсифлангани, ИИБ тизимида фаолият олиб боргани, моддий зарарлар юзасидан қонуний вакилнинг даъвоси йўқлиги каби ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, унинг хулқини жамиятдан ажратмаган ҳолда тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини шартли ҳисоблаб, адолатли хулосага келгани сабабли шикоят важлари билан келшиб бўлмайди.

ЖПКнинг 497²⁶-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси, агар чиқарилган суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ



эканлигини аниқласа, ҳукми ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси Р.А.га оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

А.Р.Р.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2022 йил 10 октябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:	имзо	В.Сиддиков
Ҳайъат судьялари:	имзо	А.Акрамов
	имзо	Д.Халикназарова
нусхаси аслига тўғри: вилоят судининг судьяси		Д.Халикназарова

